

Джураева Дилноза Даврон қизи,  
Бухоро давлат университети тадқиқотчиси

# ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

УДК: 330

## ДЖУРАЕВА Д.Д-Қ. ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Ушбу мақолада хизматлар соҳасини ривожлантиришда инновацион салоҳият ва ёндашувларни тадқиқ этишнинг услубий масалалари кўриб чиқилган бўлиб, инновация фаолиятни инфратузилмасини шакллантириш, шу асосда илмий ишланмаларни иқтисодиётнинг тегишли соҳа ва тармоқларига жорий этиш кўламини ошириш асосида янги хизмат турларини кўпайтириш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини мустаҳкамлаш ва тижоратлаширишнинг амалий механизмларини кучайтириш асосида инновацион хизматлар номенклатурасини кенгайтириш масалалари ёритиб берилган.

Таянч иборалар: инновация, инновацион хизматлар, янги хизмат турлари, номенклатура, жорий этиш.

## ДЖУРАЕВА Д.Д-Қ. НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ СФЕРЫ УСЛУГ

В статье рассматриваются методические вопросы исследования инновационного потенциала и подходов к развитию сферы услуг, разрабатываются научно обоснованные предложения и рекомендации по формированию инфраструктуры инновационной деятельности, на основе которых увеличиваются масштабы внедрения научных разработок в соответствующих отраслях. Овещены вопросы расширения спектра инновационных услуг на основе усиления интеграции науки, образования и производства и усиления практических механизмов коммерциализации.

Ключевые слова: инновации, инновационные услуги, новые виды услуг, номенклатура, внедрение.

## DJURAEVA D.D-Q. SCIENTIFIC AND PRACTICAL SIGNIFICANCE OF INNOVATIVE ACTIVITIES IN IMPROVING THE SERVICES SECTOR

In the article is discussed methodological issues of innovative potential and approaches to the service sector development researches. There is developed scientifically based proposals and recommendations for the innovative activities infrastructure formation, based on which to increase the scope of introduction of scientific developments in relevant sectors and industries. The issues of expanding the range of innovative services on the basis of strengthening the integration of science, education and industry and strengthening the practical mechanisms of commercialization are highlighted.

Key words: innovation, innovative services, new types of services, nomenclature, introduction.

## Кириш.

Республикада хизматлар соҳасининг тезкор ўсиш суръатларини таъминлаш, мазкур йўналишда тадбиркорликни янада қўллаб-куватлаш ва аҳоли учун янги иш ўринларини яратиш, шунингдек хизматлар соҳаси корхоналари фаолиятини балансли ривожлантириш ва диверсификациялашни таъминлаш, улар кўрсатадиган хизматларнинг рақобатбардошлилиги ва сифатини ошириш бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда сервис ва хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Давлат томонидан қўллаб-куватлаш сиёсатини амалга ошириш, мамлакатимиизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига ижобий натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги 55-сон қарорида республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг қўйидаги устувор йўналишлари белгилаб берилган:

- хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш, унинг республика иқтисодиётидаги улушкини 48,7 фоизгача етказиш;
- 2020 йилга бориб қишлоқ жойларда хизматларни 1,8 бараварга ўстириш;
- муҳандислик-коммуникация, йўлтранспорт инфратузилмасини ривожлантириш, тармоқларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига хизматлар соҳасини, таркибий ўзгартиришларни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;
- рақобат муҳитини шакллантириш, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантиришга кўмаклашиш;
- турли инновация хизматларини, янги алоқа воситаларини кенгайтириш;
- аҳолининг телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш техник имкониятларини таъминлаш, улар асосида сифатли хизматлар кўрсатиш, телефон алоқаси ва телевидениенинг рақамли тизимларига тўлиқ ўтиш, 2020 йилга бориб алоқа ва ахборотлаштиришнинг республика иқтисодиётидаги улушкини 2,5 фоизгача етказиш;

– энг янги электрон, тўлов технологияларини жорий этган ҳолда молия хизматларини ривожлантириш;

– соғлиқни сақлаш соҳасида юқори технологияли хизматларни янада ривожлантириш [1].

Мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга қарамасдан, хизматлар соҳасида ечимини кутаётган муаммолар етарли. Жумладан, йўл бўйи инфратузилмасининг хорижий мамлакатлар стандартларга жавоб бермаслиги, инновацион тадқиқот натижаларининг хизматлар соҳасида татбиқ этилмаётганилиги ва бошқалар.

## Илмий муаммони қўйилиши.

Маълумки, иқтисодий пасайиш бошланиши ёки инфляция ривожланишининг узоқ муддатли даври кузатилиши билан янгиликлар киритиш оқимини фаоллаштиришга чақириқлар янграй бошлайди. Бундай талаблар асосида технологик ва ташкилий ўзгаришларга узоқ муддатли иқтисодий ўсишнинг манбаси сифатида муносабатда бўлиш ётади. Бундай қараашлар фойдасига хизмат қиласидаган жиддий далиллар мавжудлиги шубҳасиз. Бироқ янгиликлар киритишга йўналтирилган давлат сиёсатини диққат билан ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳақиқатда бундай фикр фойдасига хизмат қиласидаган даъволар биринчи қараашдан кўра камроқ. Техника, технологиялар ва жамоат тузумининг ривожланиши билан боғлиқ бўлган айrim ҳолатларни бир четга қўйиб туриб, биз жиддий эътиборга лойиқ бўлган муҳим бир ғояни тушуниб етамиз. Бу ғоя дастлаб Й.Шумпетер [2] томонидан илгари сурилган, сўнгра кузатилаётган иқтисодий фаоллик ўзгаришлари қайсиdir тарзда техника, технология ва ташкилий ўзгаришлар билан боғлиқ деган фикрга айланди.

Й.Шумпетер методологиясининг бошланғич жиҳатини кам сонли тадбиркорлар томонидан амалга ошириладиган янгиликлар киритиш бошланғич ҳаракати билан эргашувчилар оммасининг тақлидий фаолияти ўртасидаги фарқ ташкил қиласиди. Янгиликларни жорий қилиш ёки янги ишни очишга камчиликкина журъят эта олади. Бироқ кимдир қатъий ҳаракат қилиши билан, қолганлар унга тақлид қилишга тайёрлик билдира бошлайдилар. Шу сабабли асосий янгиликлар киритишга кўпинча иккиламчи янгиликлар киритиш ва ўхшатишлар ҳамроҳлик қиласиди. Демак, янгиликлар киритиш камдан-кам ҳолларда бир текис тақсимланади. Улар «онда-сонда гурӯх ёки кластерларда» пайдо бўлади [3].

Янгиликлар киритиш оқимининг бундай узуқ-узуқ ҳолатда бўлиши, ўз навбатида, капитал қўйилмалар даражаси кучли ўзгаришларига сабаб бўлади. Базис янгилик ортидан борувчи янги корхоналар, молия компаниялари яратиш капитал қўйилмалар соҳасида шов-шувларга олиб келиши муқаррар. Бу жараённи ўзаро боғлиқ бўлган саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларида ишбилармонлик кенгайшининг «иккинчи тўлқинлари»ни вужудга келтирувчи яширин кумулятив механизм ҳаракати кучайтириб юборади. И.Шумпетернинг сўзларига кўра: «Кўп нарса шундай «иккинчи тўлқин» чўққисида, ҳеч қандай янгиликсиз ёки реал ҳаракатлантирувчи куч томондан тўғридан-тўғри ички турткисиз пайдо бўлади» [4].

Қисқа қилиб айтганда, иқтисодий ўсишлар пайдо бўлишининг сабаблари янгиликлар киритиш кластерларининг шаклланиши билан боғлиқ бўлиши лозим.

Шу билан бирга, янгиликлар киритиш бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш имкониятлари, хомашё материалларининг очиқлиги, нархлар, истеъмолчиларнинг даромадлари, пул ресурслари ва ҳ.к. ўртасида вужудга келган иқтисодий ўзаро алоқаларга путур етказади. Иқтисодий тизим мувозанат ҳолатидан чиқиб кетади, янгиликлар киритиш туфайли пайдо бўлган муйайн натижаларни жамият фақат босичма-босқич ўзлаштириши мумкин. Шу сабабли иқтисодий жиҳатдан кескин ривожланиш ортидан пасайишнинг келиши муқаррар бўлиб, бу ҳолатда иқтисодий конъюнктура, нарх тузилмаси, ҳаражатлар ва пул оқимларининг қайта ташкил этилиши рўй беради. Пасайиш жараёнида кўпинча ўз ривожланиш динамикаси аниқланади ва шутариқа тизим иқтисодий турғунлик ҳолатига тушиб қолади.

Й.Шумпетер айтиб ўтганидек: «Турғунлик (депрессия) иқтисодий тизимнинг кескин ривожланишга жавоби ёки бундай ривожланиш натижасида тизим тушиб қолган вазиятга мослашишидан бошқа нарса эмас» [4]. Ўз навбатида, иқтисодиётнинг жонланиши бошқа жараён – мослашиб олишга боғлиқ бўлади. Баъзида бу жараёнинг ривожланиши тизимнинг мувозанат ҳолати томон ҳаракатланишига хизмат қилиши мумкин. Инновацион фаолликнинг янги «портлаши» билан бутун цикл яна қайта тақрорланади.

Кўриб чиқилаётган назарий тузилишда бутун иқтисодий тизимнинг «ёшаруви» мавжуд технологиялар модификациясидан фарқлаш лозим бўлган туб янгиликлар киритиш билан белги-

ланиши муҳим аҳамият касб этади. Одатда роалими Кондратьевнинг номи билан боғланадиган ушбу концепцияга мувофиқ, иқтисодий конъюнктура ҳаракати тахминан эллик йиллик давр тенг цикллар шаклига эга бўлади. Бу концепцияни рад қилган ҳолда Шумпетер аниқладикондратьев таъкидлаган биринчи тўлқинини кўтарилиши (1787-1800 йй.) буғ машиналарининг пайдо бўлиши билан, иккинчи тўлқини (1843-1873 йй.) – темир йўлларнинг кенг тарқалиши билан ва учинчи тўлқини (1898-1911 йй.) – электр ва автомобилларнинг кенг тарқалиши билан асосланади. Шундай қилиб, классик назарияда технологик янгиликлар киритиш кузатилаётган иқтисодий ўсиш ўзгаришларининг дастлабки сабаблари хисобланади.

Хозирги кунда конъюнктуранинг катта цикллари назарияси муаллифи Н.Д. Кондратьевнинг илмий тадқиқотлари яна долзарб аҳамият касб этмоқда [5]. Ушбу назарияга мувофиқ, замонавий инқироз 80-йилларнинг охирида бошланган кўтарилиш тўлқинида янги давр, яъни пасайиш борувчи тўлқин – иқтисодий тизим «қайта юкланиш» жараёнига ўтиши ва «совун кўпиги»да унинг ёппасига қадрсизланиши йўли билан ҳаддан зиёд ортиқча тўпланган капиталдан хало бўлиш талаб этилган давр томон кескин бурилиб ясади. Шунингдек, Кондратьев фикрига кўра ҳаражатларни көрсатадиган иқтисодий циклларни бир цикл янги муйайн бир тарихий шароитлардаги технологик тараққиётнинг, ишлаб чиқарилган кучлари ривожланишининг янги бир босқичидан кечади, мана шунинг учун ҳам у ўтган циклни оддий бир қайтарилиши хисобланмайди.

Кондратьев инновацияларни ривожланишини ийрик циклдаги кўтарилиувчи ва пасайиб борувчи босқичларга ажратиб, тўрт фаза (давр)га бўлиб ифодалайди. Бу фазалар жонланиш (тиклиши), юксалиш (равнақ топиш); таназзул (рецессия) ва тушкунлик (депрессия) деб номланади.

Кўтарилиувчи босқич халқаро иқтисодиётдин юқори даражадаги хўжалик конъюнктурасининг узоқ, тахминан 20-30 йил давомида етакчилик қиласидан (жонланиш ва юксалиш) даврни қамра олади, бунда у қисқа муддатли чуқур бўлмаган инқирозларни осонлик билан енгib ўтган ҳолда динамик ривожланади. Пасайиб борувчи босқич (таназзул ва тушкунлик даврлари) – бу узоқ муддатли, тахминан 20 йил давом этадиган пасхўжалик конъюнктураси етакчилик қиласидан давр, бунда гарчи вақтинчалик кўтарилишлар бўлиб турса-да, депрессия ва тадбиркорлик фаоллигининг паст даражаси етакчилик қиласидан

Оқибатда жағон иқтисодиёти барқарор ривожланмайды, вақти-вақти билан чуқур инқизорларга тушіб қолади. Шундай қилиб, күтарилиш босқичи олдидан инқизор өткізу үшін көзінің даврининг келиши мүқаррар экан.

Шуниси ажабланарлықи, айнан депрессияга учраган даврда иқтисодиёттің инновацияларга мойиллігі эң юқори бұлар экан. Депрессия «омон қолиш» үчүн имконияттар излашы мажбур этади, инновация жараёнлари эса уларни бартараф эта олади. Бу ҳолатни ilk бор немис тадқиқотчысы Г.Менш (Mensch, 1979) аниқлаган да «депрессияның триггерлі самарасы» [6] деб номлаган, бунда у депрессия инновация жараёнини ҳаракатлантириб юборишини назарда туттады. Г.Менш, шунингдек, инновация жараёні бир маромда бўлмаслиги ва у даврий тавсифга әгалигини ҳамда бу жараён ҳар сафар диффузия жараёнда инновацион кластерларнинг юзага келиши билан тугашини кўрсатиб берган.

Америкалик тадқиқотчи К. Фримен (Freeman, 1987)нинг таъкидлашича, бу жонланиш вақтида юз беради [7]. Инновация жараёнини юргизиб юбориш вақти депрессия даври ва қисман жонланиш даврини ўз ичига олган ҳолда, узоқ вақтга чўзилади. Бироқ, М.Хироока (Hirooka, 2006) [8], катта миқдордаги эмпирик маълумотларни таҳлил қилиш асосида инновациялар диффузияси билан Кондратьевнинг йирик цикллари ўртасида узвий боғлиқлик борлигини исботлаб берди ва янгиликлар диффузияси мустақил шаклланиш механизмига мувофиқ Кондратьевнинг йирик циклидаги күтарилиш босқичи бўйлаб инновацияларни орататиб тўплаб боришини тасдиқлади.

Шундай қилиб, янгиликлар диффузияси Кондратьев циклининг күтариувчи босқичи билан тўлиқ тарзда мувофиқ келади ва циклининг эң юқори чўққисида ўз маромига етади. Бундан эса қуйидагича муҳим амалий холоса чиқариш мумкин: давлатнинг инновация сиёсати муваффақияти депрессия ва жонланиш даврида ҳукумат раҳбарларининг инновация жараёнларини кучайтириш синергетик самара бера оладиган вақтни олдиндан кўра олиши ва уни фаол қўллаб-қувватлашга имкониятларига тўла-тўқис боғлиқ. Аксинча, агар ҳукумат ёрдами кечиктириса, инновациялар самардорлиги сезиларли равишда пасайиб кетади.

Бироқ йигирманчи асрнинг охирларида шунга гувоҳ бўлдикки, технологик янгиликлар киритиш баъзида алоҳида мақсадга айланиб, жамият ривожланишининг реал эҳтиёжлари билан унчалык

боғлиқ бўлмайди. Бунинг натижасида атроф-муҳит билан боғлиқ муаммолар, технологик ва техноген рискларнинг ўсиши, янги вирусларнинг (биологик вируслари ва ахборот вируслари) ва ҳ.к. пайдо бўлади. Бу қатор техник ва технологик янгиликлар киритишни ва тарқатишида маълум бир чекловлар ва тартибга солувчи воситалар киритиш заруратини кўрсатади.

Иқтисодий адабиётларда [9-14] «инновациялар», «инновацион жараён», «инновацион фаолият» тушунчаларининг кўплаб таърифларини учратиш мумкин. «Инновациялар» (янгиликлар) тушунчаси замонавий иқтисодиёт фанида кўпроқ инновацион фаолиятнинг амалий фаолиятда фойдаланилаётган, бозорга жорий қилинган янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён, янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот қўринишида намоён бўладиган якунланган натижаси сифатида талқин қилинади. Баъзида бу таърифга ижтимоий соҳада олинган натижада ҳам қўшилади.

Инновацияларга хос бўлган универсал хусусиятлар орасидан кўпчилик муаллифлар қуйидагиларни ажратиб кўрсатади: янгилик, бозор талабини қондириш, тижорат жиҳатидан амалга ошириш мумкинлиги.

Шунинг билан, хизматлар соҳасини ривожлантиришда инновацион салоҳият ва ёндашувларни тадқиқ этишнинг услугий масалалари бора-сида, инновация фаолиятни инфратузилмасини шакллантириш, шу асосда илмий ишланмаларни иқтисодиёттің тегишли соҳа ва тармоқларига жорий этиш ва янги хизмат турларини кўпайтириш юзасидан қатор ҳал қилинмаган, тадқиқотлар ўтказилиши лозим бўлган илмий муаммолар мавжуд.

### Тадқиқот методологияси.

Хизматлар соҳасида ташкилий-иқтисодий инновацияларнинг вужудга келиши ва тарқалиши ички механизмларини тизимли ёндашув асосидагина тўғри тушунилиши мумкин.

Мақолани тайёрлаш жараёнида анализ ва синтез усуллари билан биргаликда, илмий абстракциялаш усулидан ҳам самарали фойдаланилган.

### Таҳлил ва натижалар.

Амалга оширган тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, дунёда сервис соҳасининг ялпига ички маҳсулотдаги улуши ўртача 61 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда бу кўрсаткич 36 фоиздир. Лекин 86 фоиз қўшилган қиймат шу соҳада яратилади. Республикаимиз миқёсига ушбу таҳлилларни давом эттирадиган бўлсак,

Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарёда аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичдан 2 баробар паст.

2020 йил маълумотларига кўра, ҳудудлар бўйича кўрсатилган хизматлар бўйича Тошкент шаҳридан кейин Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятлари юқори кўрсаткичларни кўрсатган бўлса, Навоий, Жizzах, Сирдарё вилоятлари республикада нисбатан паст кўрсаткичларни кўрсатган

Биргина, йўл бўйи инфратузилмасини яхшилаш орқали Республика бўйича 700 миллиард сўмлик қўшимча хизматлар яратиш имкони мавжуд. Жумладан, 150 дан ортиқ туман ва шаҳардан ўтадиган 10 минг километр йўлда 400 дан зиёд йирик сервис обьектлари учун эҳтиёж мавжуд [16].

Бунда инвесторлар иштирокида истироҳат боғлари ҳамда хиёбонларнинг бир қисмида енгил конструкцияли савдо, умумий овқатланиш ва кўнгилочар обьектлар ташкил этиш, таълим, маданият, спорт ва соғлиқни сақлаш обьектларининг бўш турган қисмини тадбиркорларга бериш орқали ҳам кўплаб хизматларни йўлга қўйиш мумкин.

Хизматлар бўйича йиллик тушуми бир миллиард сўмдан кам бўлган тадбиркорлар учун қўшилган қиймат солиғини чорак якуни бўйича тўлаш тартибини давом эттириш чоралари кўрилмоқда. Бу эса 8 мингдан зиёд тадбиркор ихтиёрида бир чорақда 220 миллиард сўм айланма маблағ қолишига имкон беради.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони билан "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси" тасдиқланди. Ушбу ҳужжат аслида жамиятнинг барча жабҳаларида тизимли ислоҳотлар учун «йўл ҳаритаси» га айланди.

Таҳлилларга кўра, ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 50,0 фоиздан ошади. Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, хизмат даромадлари жаҳон ялпи ички маҳсулотининг таҳминан 70 фоизини ташкил этади. Хизмат кўрсатиш соҳасида етакчилик қилаётган мамлакатлар орасида бу кўрсаткич Люксембургда - 88,3 фоиз, Кипрда - 87,4 фоиз, Мальтада - 85,5 фоиз, Данияда

- 76,3 фоиз, Испанияда - 74,8 фоиз, Буюк Британияда - 79,6 фоиз, Америка Кўшма Штатларида эса 77,6 фоизни ташкил этади [16].


Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш шартларидан бири мамлакат иқтисодий салоҳиятининг ўсиши ва милли иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки Ўзбекистонда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг реал секторига нисбатан жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Бу жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув тенденцияларини ҳисобланган ҳолда, миллий иқтисодиётда таркибида ўзгаришлар, ўз навбатида аҳоли фаровонлигини ошириш, шунингдек бозорни хизматлар соҳаси билан тўлдиришга ҳам боғлиқ.

[16] Хизматлар соҳасидаги инновацион жараёнларни ҳам таснифлаш мақсадга мувофиқ. Бу айнан ташкилий-иктисодий инновациялар учун муҳим аҳамиятга эга, чунки бу ерда асосий сантизацияни олиб, балки бу инновацияларнинг бутун фаолият узлуксизлигини қанчалик таъминлаштирунганади.

[16] Хизматлар соҳасидаги субъектларнинг инновацион фаолияти соҳасида муаллифларнинг мавжуд назарий-методологик тадқиқотларига таянишган ҳолда хизматлар инновацияларининг ташкилий ва иқтисодий янгиликлар билан боғлиқ. Бу тадқиқотларни маълум бир тизимга келтириш ва уларнинг юзага келишига сабабчи бўлган асосий қонуниятларни аниқлашга ҳаракат қилинади. Кўрамиз. Бироқ ташкилий-иктисодий инновациялар ролини янада чуқурроқ тушуниш учун инновацион фаолиятнинг ушбу ўзига хос объекти қандай вужудга келиши ва режалаштиришни тушуниб олиш зарур.

Инновацион фаолият жараёнида тасодифларни мавжуд роль ўйнайди, чунки, ташкилий-иктисодий инновациялар соҳасида битта янгиликнинг ўзига бир нечта мустақил йўлдан бориши мумкин. Технологиялар соҳасидаги бўлгани каби, ташкилий-иктисодий ривожланиш соҳасида ҳам инновацион жараён тасодифий омиллар ва тўпланишларни бориши табиатига эга бўлган омилларнинг ўзаро ўйинларига йўналтирилган деб таъкидлаш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, жиддий ташкилий-иктисодий инновациялар миқёси ва таъсирида ражаси бўйича кичикроқ инновацияларни тўпланишининг натижаси ҳисобланади, яъни технологик циклларда бўлгани каби, обьектида равиша ташкилий-иктисодий ривожланиш циклларидан олди.

1-расм. Хизматлар соҳасида инновацион жараённинг тизимли модели<sup>1</sup>.2-расм. Инновацион хизматлар бозорига таъсир этувчи омиллар<sup>2</sup>.

лларининг маълум бир кетма-кетлиги вужудга келади.

Хизматлар соҳасининг инновацион комплекси бу – очиқ тизим, яъни у ташқи ресурсларни тўплайди ва ўзгариради (1-расм). Моделга киришда муайян инновацион технология ва маҳсулотларга айлантириладиган инновацион хизматлар акс эттирилади.

Тизимли ёндашув методологияси нуқтаи назаридан хизматлар соҳасининг инновацион комплекси белгиланган ўзаро алоқалар билан бирлаштирилган элементлардан (тадбиркорлик субъектлари, банклар, консалтинг фирмалари, ахборот тизими ва инновацияларни ишлаб чиқувчилар) таркиб топган тўлақонли бир тизим сифатида таърифланиши мумкин.

Таъкидлаб ўтиш жойизки, хизматлар соҳасидаги инновацион жараёнга ижтимоий, миллий ва маданий омиллар таъсир кўрсатади. Бу ҳолатда ресурс уни белгиланган миқдоргача тўплаш бутун инно-

вацион жараённи қайта тиклашга имкон берадиган захира сифатида ифодаланган.

Хизматлар соҳасида инновацион стратегия, стратегик менежмент натижаси сифатида, биринчи навбатда ривожланишининг ташқи омиллари таҳлилига асосланади. Шу боисдан молия бозорларининг қайси тавсифлари ва шартшароитлари бугунги кунда инновациялар стратегияси йўналишини белгилаб беришини аниқлаш мухим аҳамият касб этади. 2-расмда инновацион хизматлар бозорига таъсир этувчи ташқи мухитнинг асосий элементлари кўрса

#### Хуласа ва таклифлар.

Кўриб турганимиздек, инновацион фаолиятнинг ташкилий-иктисодий таркибий қисми бугунги кунда муносиб баҳоланаётгани йўқ. Ваҳоланки, айнан у техника ва технологияларнинг замонавий турлари ривожланишида асосий ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Инновацион фаолиятнинг бошқа йўналишлари фақат янгича ташкилий ва иктиносий моделлар доирасидагина мақсадли йўналтирилган ҳолда ва

<sup>1</sup> Расм муаллиф ишланмаси.

<sup>2</sup> Расм муаллиф ишланмаси.

# Иқтисод ва молия

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



ТДИУ ҲУЗУРИДАГИ  
«ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ  
ВА МУАММОЛАРИ» ИТМ

# Экономика и финансы

[www.itm.uz](http://www.itm.uz)

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ҶОРАҚАЛПОҒИСТОН БҮЛИМИ



МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ

№ 2(138), 2021

- ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ВА МАКРОИҚТИСОДИЁТ /  
ЭКОНОМИЧЕСКАЯ ТЕОРИЯ И МАКРОЭКОНОМИКА
- ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ /  
МИРОВАЯ ЭКОНОМИКА
- ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ /  
РЕАЛЬНЫЙ СЕКТОР ЭКОНОМИКИ
- МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ /  
РЕГИОНАЛЬНАЯ ЭКОНОМИКА
- БАНКЛАР ВА МОЛИЯ БОЗОРИ /  
БАНКИ И ФИНАНСОВЫЕ РЫНКИ
- МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ /  
РЫНОК ТРУДА И СОЦИАЛЬНАЯ ЗАЩИТА
- БЮДЖЕТ ТИЗИМИ /  
БЮДЖЕТНАЯ СИСТЕМА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши

- давлат ва жамият курилиши тизимини таомиллаштириш
- қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш
- иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш
- ижтимоий соҳанини ривожлантириш
- хавфсизлик, миллатлардо тотувлик ва диний бағрингенлilikни таъминлаш чукур ўйланган ўзаро манфатли ва амалий руҳдаги ташки сиёsat юритиш

Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах

- совершенствование государственного и общественного строительства
- обеспечение верховенства закона и дальнейшее реформирование судебно-правовой системы
- развитие и либерализация экономики
- развитие социальной сферы
- обеспечение безопасности, межнационального согласия и религиозной толерантности
- осуществление взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной внешней политики

